



« 15 » ИЮН 20 1'й.

Наманган шаҳри _____ 209-ф _____-сонли

**“Электрон ҳукумат” тизими доирасида жорий этилган “Лицензия”
ахборот тизимлари комплексидан самарали фойдаланишни таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Вилоятда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, давлат органларининг лицензиялаш ва рухсат бериш фаолиятини оптималлаштириш, ушбу йўналишдаги хизмат кўрсатиш муддатлари ва харажатларини қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарорига мувофиқ “Электрон ҳукумат” тизими доирасида жорий этилган “Лицензия” ахборот тизимлари комплексидан самарали фойдаланиш ҳамда бу борада ҳокимликларнинг масъул ходимлари билим даражаси билан биргаликда шахсий маъсулиятини ошириш мақсадида:

1. Вилоят ҳокимлиги томонидан берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари комплексига киритиш бўйича масъуллар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари комплексига киритиш бўйича масъуллар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси (Ю.Ишанов) вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларидан рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари комплексига киритиш бўйича масъул этиб

тайинланган ходимларни тизимдан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш юзасидан аниқ чораларни белгиласин.

3. Вилоят ҳокимлиги котибият мудирлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари рухсатнома ва лицензиялар реестрини шакллантириш ва юритишга масъул ҳисобланган тегишли комиссиялар, ишчи органлар фаолиятини самарали ташкил этсинлар ҳамда ушбу комиссиялар фаолиятини вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилишларида муҳокама қилиш юзасидан таклифлар киритиб борсинлар.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси (Ю.Ишанов) вилоятдаги оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисида электрон шаклда ариза бериш имкониятларини кенг ёритиш ҳамда ушбу йўналишда семинар ва тренинглар ташкил этиш юзасидан аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

5. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Вилоят компьютерлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси раҳбари (Б.Ахунбабаев) вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида “Лицензия” ахборот тизимлари комплексидан самарали фойдаланиш ва унга маълумотларни киритиш ва янгилаб бориш юзасидан мониторинг олиб борилиши, натижалари юзасидан ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимига маълумот киритиб бориши белгилансин.

6. Мазкур фармойиш бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.Ортиқов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

Вилоят ҳокимлиги томонидан берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари комплексига киритиш бўйича масъуллар рўйхати

№	Комиссия номи	Масъул ходимнинг Ф.И.Ш.	Эгаллаб турган лавозими	Телефон рақами, электрон почтаси
1	Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома гувоҳномаси	О. Мирзобоев	Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи	(0369) 227-11-66
2	Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга ошириш учун рухсатнома	О. Мирзобоев	Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи	(0369) 227-11-66
3	Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга рухсатнома	А. Отамирзаев	Вилоят табиатни муҳофаза қилиш ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инспекцияси бўлим бошлиғи	(0369) 227-90-20
4	Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш	С. Муминов	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи	(0369) 234-32-34
5	Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома бериш	О.Мамадалиев	“Ўздавнефтегазинспекция” ДИ вилоят бўлими бошлиғи	(0369) 223-03-73
6	Чет тилларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш соҳасидаги нодавлат таълим муассасаларнинг фаолияти учун лицензия бериш	О.Абдирахманов	Вилоят ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи	(0369) 211-71-48
7	Ташқи рекламани жойлаштиришга рухсатнома	Д.Мамаджанов	“Тасвирий ойна” ИУ вилояти бўлими раҳбари	(0369) 227-14-49

Изоҳ: Комиссия котиби бошқа ишга ўтган тақдирда ўрнига тайинланган шахс комиссия котиби вазифасини бажаради.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари комплексига киритиш бўйича масъуллар рўйхати

№	Шаҳар ва туманлар	Рухсатнома ва лицензия номи	Рухсат берувчи комиссия Ишчи органи
1.	Наманган шаҳар	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	А. Мамажанов - Савдо департаменти бўлим бошлиғи
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	Ш. Қўчқаров - Шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	
2.	Косонсой тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	У. Худайбердиев - туман ҳокимлиги бош мутахассиси
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	Н. Абдуллаев - Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	

3.	Мингбулоқ тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	У. Тўрабоев - Мингбулоқ туман Савдо-саноат палатаси ахборот маслаҳат маркази директори
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	П. Холмирзаев - Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича етакчи мутахассис
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	А. Абдурахманов - Туман ҳокимлигининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича бош мутахассис
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	
		Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга рухсатнома	
4.	Наманган тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	А. Қосимов - Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	Б. Қўчқаров - Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	А. Тўйчиев - Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлим бошлиғи
5.	Норин тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	Н. Абдуллаев – Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	О. Соттибоев - Туман бош архитектори
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	

6.	Поп тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	Э. Турдалиев - Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуности
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	Д. Қаҳҳоров - Туман ҳокимлиги бош мутахассиси
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	Б. Муминов – Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	
7.	Тўрақўрғон тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	М.Абдурахимов - Туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	М.Усмонов - Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	Д.Боходиржон - Туман бош архитектори
8.	Уйчи тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	М. Инамов - Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	И. Турдикулов - Туман бош архитектори
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	

9.	Учқўргон тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	Х.Арипов - Лицензия ва савдо рухсат гувоҳномалари бериш ва ХЁК бўлими бошлиғи
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	К.Бадалбаев - Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	С.Бегмуратов - Туман бош архитектори
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	
10.	Чортоқ тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	О.Мирзаакбаров - Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	П.Сайфиддинов - Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	И.Сафаров - Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи
11.	Чуст тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	О.Каримходжаев - Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	М.Сайдахмедов - Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	Б. Муродов - Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошлиғи

12.	Янгиқўрғон тумани	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш	Т. Хайдаров - “Ягона дарча” маркази директори
		Кўчма савдо фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	И. Эргашев - Туман архитектура ва қурилиш бўлими бош мутахассиси
		Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш	Х. Ахмедов - Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
		Нотўғри фойдаланилган ерларни қайта рекультивация қилиш учун рухсатнома бериш	М. Дедабоев - Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошлиғи

Изоҳ: Комиссия котиби бошқа ишга ўтган тақдирда ўрнига тайинланган шахс комиссия котиби вазифасини бажаради.